

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубона-
сига АҚШнинг республикасидаги Фавқулодда ва мухтор
элчиси Жозеф Пресел ўз мамлаката ҳукуматининг 15 ми
дollarлик грантини топширди.
АҚШ гранти компьютер, фотоаппарат ва нусха кўчириш
машинаси каби маҳсулотлардан иборат. Кутубхонада бун-

дай замонавий техникадан фойдаланишнинг йўлга қўйили-
ши ҳодимлар ва ўқувчилар учун талай қўлайликлар яратди.
Жумладан, китоб тизши, архивлаш, қадимий ва ноёб китоб-
ларнинг саҳифаларидан нусха олиш, керакли адабиётни
топиш анча осонлашди.
■ (ЎзА)

Бундан бир неча ой муқаддам Жиззах аккумулятор заводи
раҳбарияти АҚШнинг «Эксайд АБ Групп» корпорацияси
билан ҳамкорликда қўша корхона ташкил қилишга кели-
шиб олди.
Автомобиль аккумуляторлари ишлаб чиқариш бўйича жа-
ҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллаган «Эксайд АБ

Групп» корпорациясининг турли мамлакатларда жами 63 та
йирик корхонаси ишлаб турибди. Олтимиш тўрттинчиси эса
Жиззахда барпо этилади.
■ Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗБЕКISTON

№ 22 (25.572).

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN
CHIQA BOSHLAGAN

ҚУРУҚ ГАПДАН АМАЛИЙ ИШГА

Мустақиллик ҳақида шу қадар кўп ёздиқки, аҳоли-
нинг онгига сингиб қолгани бор гап. Ватан муста-
қиллиги ёши билан таъминланмаслигини ахирги ту-
шуниб етдик. Бугун амалий иш керак. Ҳукумат
ҳам биздан шунга талаб этапти. Вазиrлар Маҳка-
масидаги йилги ҳам асосан мустақил иқтисодиётни
такомиллаштиришга бағишланди. Барча ривож-
ланган давлатлар қатори бизнинг давлатимизда ҳам
ишсизлик муаммоси бор. Қолаверса, кичик ва ўрта
бизнесни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-
қувватлаш иқтисодиётимиз пайдеворини мустаҳкам-
лашда муҳим омил. Шу қўнларда тадбиркорларни
қийинлашган муаммолар ҳақида бир оз тўхталмоқчи-
миз.

римнинг икки хил ҳулоса-
сини нима деб тушуниш
мумкин? Юртбошимиз-
нинг нутқи гуё менинг
ҳимоям учун янграгандек
булди. Менга ухшаганлар-
нинг бахтига Юртбошимиз-
дек эзгу инсонлар борли-
гидан фахрландим, гайрат-
тимга гайрат қўшилди. Шу
Ватан, шу халқ учун ишла-
гим келяпти. Қачон маъ-
мурий-бўйруқбозликдан,
калондимогликдан қутулар
эканмиз?

Рустам Хусанов —
Тошкент шаҳридаги «Ҳақ
дўст» хусусий фирмаси ди-
ректори:
— Мен ҳалигача ҳаяжо-
нимни боса олганим йўқ.
Қаранг, қанча маҳаллий
раҳбарлар бор, улар қолиб
шаҳсан Президентимиз биз
ҳақимизда жон қуйдирил-
пти. Шундай ўғлон бор
эда ишламай бўладими?!
Фирмаимиз шаҳар аҳолиси-
га хизмат қиладиган озиқ-
овқат ишлаб чиқарувчи
корхоналарни ош тузи билан
таъминлайди. Ҳар доим
мамлакатимиз эртасини
ўйлаб, биз билан шартно-
ма тузган ташкилотларнинг
шароитига қараб ишлаймиз.

Муътабар Тожибоева —
Фарғона вилоятидаги хусу-
сий фирма директори:
— Ҳали балиқчиликни
ривожлантиришни яхши
кўраман. Биласизми, болам
яқинда иситмалаб қолди.
Тоғаси аквариумда балиқлар
совға қилди. Унга тикилиб
ларди енгиллашди, ўзи ту-
риб овқатини берар, иссиқ-
совуғидан хабар оларди. Тез
орала тузалиб кетди. Қола-
верса, балиқ — ҳалол таом.
Шу мақсадда озгина ер со-
тиб олдим, сунъий қўл таш-
кил қилдим. Эндилликда
менга қайишадиган бирор
ташкilotни топиш илнжи-
да сарсонман. Бормаган
илорам қолмади. Ҳаммаси
маъқуллашди, аммо ёрдам
беришга келганда, гуё шах-
сий хўжалигимга сарф қила-
дигандек ўзини четга олиб
қочади. Ахир балиқчилик-
ни ривожлантирсам, бутун
вилоят манфаатдор бўлади-
ку! Тадбиркорликни қўллаб-
қувватловчи ташкilotлар
нима иш билан машғул ўзи?

Юсуф Жўраев,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

ИСТИҚЛОЛ МАНЗАРАЛАРИ GERMANYA ҚУВАДАН ЯНГИ АТИРГУЛ НАВИ ОЛДИ!

Ўрқач-ўрқач Арсиф қир-
лариаро камон ўқидай тик
кетган Фарғона-Андижон
йўлидан Кува туманига ки-
риб боришингиз билан
беҳиштиёр «Қандай гўзал!»
дея хитоб қилганингизни
сезмай қоласиз. Зеро,
йўлнинг ҳар икки ёқсида
олисларга заррин тасмадай
чўзилган анвойи гулзорлар
бирдан ақлингизни ўғир-
лайди. Қувалиқлар азалдан
гўзалликка, санъатга баҳши-
далиқлари билан ном чи-
қаришган. Айниқса, кейин-
ги йилларда Кувада кўча-
лар, хибонлар, майдон-
ларни ободонлаштириш,
кўркам гулзорлар яратиш
авж олди. Қадимий Кувага
ташриф буюрган ҳар бир
меҳмон йўллар ёқаларида-
ги гулзорларга тасаннолар
айтади. Тасаввур қилинг,
умумий узунлиги 54 кило-
метрли йўлнинг икки тара-
фи кета-кетгунча гулзор...
Кувада нафақат кўча
бўйлари, балки корхона-
ташкilotлар биноларининг

ҳовлилари, хонадонлар ҳам
гулларга бурканган. Дамин-
жон Аҳмадалиев, Шавкат-
жон Солиев, Сабоҳон Би-
ололова, Умматали Раҳимов-
лар хонадонлари сингари
оилаларга кирган киши нақ
ўзини Боғи Эрамда дея ҳис
қилади. Шуниси қизиқки,
гулчиликка ишқибозлик на-
тижасида одамлар турли
навларни чатиштириб, янги
навлар ҳам яратмоқдалар.
Яқинда Германиядан кел-
ган сайёҳлар Кувада яра-
тилган ана шундай янги
атиргул навидан сотиб
олишти. Ҳозирда Герма-
нияга шу нав атиргул
кўчатларини кўплаб микдор-
да етказиб бериш бўйича
музокара оlib бориляпти.
Гёте Ватанида Фарғо-
нийнинг алвон атиргуллари
янаб турибди энди!
— Гуллар барқ урган ерда
атроф ҳам саришга, озода
бўлади, — дейди қувалиқ
шоир Солиқ Деҳқон. — Бу
эса инсон саломатлигига
ҳам ижобий таъсир кўрса-

■ Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири



Ўғит

Шавкат АҚРАМОВ олган сурат

VOZI

ЙИЛ ОЙ КУН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Фармони
Р. Ҳ. Қодировни Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-мод-
дасининг 9-банди ва «Ўзбекистон Республикаси Про-
куратураси тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига му-
вофиқ:
Рашидjon Ҳамидович Қодиров Ўзбекистон Рес-
публикаси Бош прокурори этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 18 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Фармони
У. Ч. Худойқўловни Ўзбекистон Республикаси Бош
прокурори вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Усмон Чинозович Худойқўлов Ўзбекистон Рес-
публикаси Бош прокурори вазифасидан берган ари-
засига биноан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 18 февраль

ТАШРИФ
Қорақалпоғистон Республи-
касида реконструкция йўли
билан ва янгидан ташкил
қилинган касб-хунар коллеж-
ларининг моддий-техника ба-
засини ривожлантириш, ама-
лий ёрдам бериш, кредит билан
таъминлаш, уларни жой-
ларда ўрганиш мақсадида
яқинда Япония Халқаро Ҳамкорлик Банкининг Такеши
Иноуе, Тахихара Хата раҳбарлигидаги «Барго» тадқи-
қот гуруҳи ва Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус,
касб-хунар таълим марказининг бош мутахассиси Қора-
қалпоғистонда бўлиши, — дея хабар беради мухбири-
миз Рейимбой Ёшимбетов.
Тахихара Хата раҳбарлигидаги гуруҳ аъзолари Қўни-
рот туманида 2001 йил фойдаланишга топширилади-
ган янги қурилган ва Беруний қишлоқ хўжалиги касб-
хунар коллежларини ўрганиб, тумандаги йирик ишлаб
чиқариш корхоналари раҳбарлари билан суҳбат ўтқа-
ди.
Такеши Иноуе раҳбарлигидаги гуруҳ аъзолари эса Ну-
кус шаҳри «Катекс» ҳиссадорлик жамоаси ва «Нукус
нон» комбинатида ҳамда Қоразак, Мангит қишлоқ
хўжалиги касб-хунар коллежларининг моддий-техника
базасини ўрганиш ва ўз тақлифларини бердилар.

ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БERAДИЛАР ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ:

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2000
йил 17 февраль сонидида чоп этилган «Ўели-
нинг ўрнига онаси...ми?» сарлавҳали мақо-
ла вазиrликда муҳокама этилди.
Фуқаро С. Бекмуродовнинг аризаси
бўйича «Ўзбекистон овози» таҳририятига
ҳамда ариза муаллифига жўнатилган жавоб
хатини тайёрлаш ва жўнатиш жараёнида
Бош бошқарманинг бош мутахассиси

Н. Ортиқовнинг ўз вазифасига масъулиятсиз-
лик билан ёндошганиги сабабли хатога йўл
қўйилганлиги аниқланди ва унга нисбатан те-
гишли чоралар кўрилди.
Нишонов Ойбек Ўзбекистон Миллий уни-
верситети талабалари сафига қабул қилинган.
■ **Вазир ўринбосари**
Қ. АЛЛАЕВ

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ:

Газетанинг 1999 йил 18 декабрь сонидида чоп
этилган «Чорак асрилик қурилиш» мақоласи
юзасидан қўйилганларни билдирамиз:
Мақолада тилга олинган И.В.Савидский
номидаги Қорақалпоғистон Республикаси
Давлат Санъат музейининг моддий-техник
асосларини мустаҳкамлаш мақсадида унинг
алоҳиди биносини қуриш ишлари асосан
1991 йилда бошланган эди. Лекин маҳаллий

бюджетнинг танқислиги туфайли қурилиш иш-
лари секинлик билан давом этмоқда.
Ҳозирги кунда музейнинг қурилиш ишлари
учун тегишли маблағ ажратилиш ва ундан тез
муддатда фойдаланиш чора-тадбирлари кўрил-
моқда.
■ **Вазирнинг биринчи ўринбосари**
О. МАТЌУБОВ

АСАКА ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ:

Асака тумани ҳоқимлиги «Мустаҳ-
кам» қишлоқ фуқаролар йиғини
Мирзаобод маҳалласида яшовчи Го-
зиева Омагхоннинг «Ўзбекистон
озои» газетасига ёзган хатини
жойида хат муаллифи иштирокида
атрофлича ўрганиб чиқди.
Фуқаро Гозиева Омагхоннинг
12 ёшли қизи бор. Бу қизнинг ўнг
қўли калталиги сабабли ногирон.
Қизи бир неча бор вилоят шифо-
наларига ётиб даволанган, ҳозирда
ҳам вилоят соғлиқни сақлаш бўли-
ми ҳисобиде туради. Гозиева Омаг-
хоннинг хонадонига вилоят соғлиқ-
ни сақлаш бўлими мутахассиси,
Асака туман марказий шифохонаси
бош шифокори, туман ҳоқимининг
ўринбосари ва қишлоқ фуқаролар
йиғини раиси ташриф буюришар,
қизни Тошкентга даволагани жўна-
тиш тўғрисида тақлиф киритдилар.
Лекин Гозиева қизини Тошкентга

бориб даволанишига рози бўлмади.
Ҳозирда ногирон қиз ойига 3300 сўм
нафақа олмоқда.
О. Гозиевнинг қизи қачон дори-
дормонга муҳтож бўлса, янаш
жойидаги амбулаторияга мурожаат
қилиши зарурлиги тушунтирилди.
Имконияти бор барча дорилар бе-
пул топиб бериладиган бўлди. «Қи-
зил Ярим ой» жамияти туман бўли-
ми томонидан О. Гозиевнинг қизи-
га бепул уст-бош берилди. Туман
халқ таълими бўлими касаба уюш-
маси, Фулом Ёқубов номли жамоа
хўжалиги бошқаруви ҳам бу қиз аҳво-
лидан доимий хабардор бўлиб тура-
ди. Туман марказий касалхонаси то-
монидан алоҳида бир шифокор ушбу
қиз ҳолидан мунтазам хабар олиб ту-
риш учун бириктирилди.
■ **Ҳоқимнинг биринчи**
ўринбосари: Ф. МАТЌУБОВ

ДОДИНГНИ ДОРОХОВГА АЙТА КЎРМА?!..

Бизга йўлланган мактуб ана шун-
дай дара бўлган бўлганда.
Мазлум бўлишча, ўнлаб киши
илзо чеккан талабнома мактуби
Тошкент шаҳар ҳоқимлигига
йўлланган экан. Собир Раҳимов
тумани, ТошДУ-ТошПИ кўчаси
10-, 11- йилларда истикомат қилу-
вчилар қўлларидан келганича ободонлаштириш ва кўка-
ламзорлаштириш ишларини адо қилишмоқда. Ҳатто, кўп
қаватли уйлارнинг ертўраларидаги балчиқ сувларини
ҳам ҳашар йўли билан тазалашибди. Энг ёмони ёши-
сочинли қўнлар бошлангани билан эшиксий йўлақлар
хувиллаб қоларкан. Чорак аср илгари қурилган бу
уйларнинг томи аллақачон таъмирталаб. Наҳотки йўлак-
ларга эшиклар ўрнатишнинг иложи бўлмасе? Улар ша-
ҳар ҳоқимлигига мурожаат қилишгандан кейин хат 1999
йилнинг 12 ноябрь куни 4211- рақами билан рўйхатга
олинган. Сўнг, Собир Раҳимов туман ҳоқимлигига йўл-
ланган. У ердан эса бу хатни Дорохов деган шахсга юбо-
ришган. Шу билан иш битган бўлиб қолаверган. Шикоят
хатни ёзилганда куз охири қиш боши бўлса, ҳозир
баҳор нафаси келиб қолди-ю. Шикоятчилар: «Хат ва ори-
заларга шунчалик ҳам бепарволик бўладики? Ахир,
биз додимизни Дороховга айтганимиз йўқ-ку!» —
дейишмоқда.

МАРДЛАР БЕЛЛАШАР БУНДА

Бугун Тошкентда юнон-рум кураши бўйича «Мустақиллик кубоги» учун халқаро мусобақа бошланади

Генералликни орзу қилмаган аскар бўлмаганидек, ҳар бир спортчи учун олимпиада баҳсларида иштирок этиши эзу ниядидир. Маълумки, юртимиз спортчилари иккинчи марта олимпиада мусобақаларида иштирок этишга ҳозирлик қиришмоқда.

ана шундай турнир бўлади. Шундан кейин юқори натижа ва кўпроқ очко тўплаган полвонлар олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.



— Кураш ўзбекистон қониди борлиги тобора аён бўлмоқда. — дейди у. — Ҳақиқатдан ҳам курашнинг халқаро миқёсда эътироф этилгани, Тошкентда биринчи жаҳон чемпионати ўтказилиши, айни кунларда курашнинг фарғонача усулига ҳам халқаро мақом бериши учун ҳаракат қилинаётгани юртимизда нафақат беллашуларга, балки умуман спортга давлат аҳамиятига молик иш деб қаралаётганидан ниҳоннадир.

— Бугун-эрта бўлиб ўтадиган халқаро мусобақада полвонларнинг олимпиада баҳсларига йўналиш олиш учун маҳорат кўрсатишлари табиий. Демак, саралан мусобақаларини кўтаришни руҳда ҳамда баҳсларга бой бўлади дейиш мумкин.

Айталик, «Мустақиллик кубоги» учун кураш баҳсларига дастлаб 1993 йили асос солиш учун ҳаракатлар бошланган. Оралдан уч йил ўтар-ўтмас биринчи марта «Мустақиллик кубоги» баҳси уюштирилди. Қизғин шундаки, кураш бўйича етук мутахассислар юртимизда олиб борилаётган ташкилий табирий ишлар ҳамда спортчиларнинг қўлга киритаётган ютуқларини инобатга олиб, Тошкент мусобақасини «Гран-при» туркумидаги баҳсларидан бири деб баҳолашга изн бердилар.

— Уйлаймизки, бу галги мусобақа ҳам байрамога тарзда уюштирилади. У ёғини сўрасангиз пойтахтимиздаги кўркем спорт тўшаси — «Юнусобод» спорт саройи яна гавжумлашди. Умуман олганда бундай нуфузли баҳсларни ўтказишда орттирган тажрибамиз асқотгани, деб уйлаймиз. Халқаро кураш федерациясининг президенти Милан Эрцеган табири билан айтганда, бу мусобақа ҳам халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада мустақамлашга хизмат қилади.

— «Мустақиллик кубоги» учун курашнинг ташкилий табирий томонлари ҳақида тўтгалсангиз? — Тошкент мусобақасида 40 дан кўпроқ мамлакатдан ташир буюрган полвонларнинг иштирок этиши кўзда тутишмоқда. Демак, пойтахтимизда олимпиадани кўзлаган икки юз нафарга яқин моҳир полвон тўпланади. Бу албатта кубок учун курашга қизиқиш катта эканини кўрсатади. Полвонларимиздан 54 килограммлик Шамсиддин Худойбердиев, 68 килограммга вазидаги Руслан Биктиёв, 76 килограммликлардан Евгений Ерифайлов, 85, 97 ва 130 килограммликлар орасида Юрий Витт, Александр Чигляков, Шермухаммад Қўзиёвлар Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга шай бўлиб туришибди.

■ Ҳайдар НОСИРОВ, Дилшод ИСРОИЛОВ

«Бекободун» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти акциядорлари диққатига!

«Бекободун» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2000 йил 22 март кўни соат 14⁰⁰ да ўтказилишини маълум қилади. Йиғилиш жамиятнинг мажлислар залида бўлади.

КУРАШ ТАРТИБИ

- 1. «Бекободун» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятининг 1999 йлдаги фаолияти натижалари ҳақидаги бошқарув ҳисоботи.
2. Йиллик бухгалтерлик балансини тасдиқлаш.
3. «Бекободун» ОТҲЖ 1999 йлги чиқимлар ва киримлар рўйхатини тасдиқлаш.
4. Тафтиш ҳайъати хулосасини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 1999 йлдаги фаолияти натижалари ҳақидаги аудиторлик текширувларнинг хулосасини тасдиқлаш.
6. 1999 йил якунига кўра дивидент тўлаш ҳақида.
7. Ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар.

Манзил: Тошкент вилояти, Бекобод шахри, Пахтабод кўчаси — 16

«БЕКОбОДУН» ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Халқ банки сизнинг хизматингизда!

Омонатларга қўйилган бўш пул маблағларингиз бўйича 500 фоизгача даромад олишни истайсизми! Бундай имкониятни Сизларга фақат Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки яратиб беради.

Ютуқларга эга бўласиз. Ютуқлар тиражи апрель ва октябрь ойларининг биринчи декадасида ўтказилади. Бу омонат тури бўйича ютуқ тарзидаги даромадлардан ташқари, очилган ҳар бир ҳисоб варақасига қўшимча равишда, қўйилган жамғармалар бўйича йиллик 5 фоиз миқдориде фоиз даромади ҳам тўланади.

Кўшимча маълумотлар учун телефонлар: 78-53-63, 173-86-80

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

ДИЛБАР АЁЛЛАР ЭЪТИБОРИГА!

Биринчи марта Ўзбекистонга «SOS-Бола-лар маҳалласи» ўз ишини бошлаши муносабати билан кўйидаги талабларга жавоб берадиган аёллар таклиф этиладилар:

- ◆ ЁШИ 35 ДАН ОШМАГАН
◆ ТУРМУШ ҚУРМАГАН
◆ БЕФАРЗАНД
Телефон: 136-22-01

Бизнинг манзил: Тошкент шахри, Гоголь кўчаси, 47-уй. «SOS-Ўзбекистон Болалар маҳаллари» уюшмаси.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жавоблар!

РЕСПУБЛИКА КЎЧИМАС МУЛК БИРЖАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ СИЗ АЗИЗЛАРНИ 2000 ЙИЛ 1 ВА 10, 15, 22, 29 МАРТ КУНЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА СОАТ 11⁰⁰ ДА ЎТКАЗИЛАДИГАН НАВБАТДАГИ

Кимошди савдосига таклиф этади

- Савдога қўйиладиган қўйилди: Чирчиқ шахри, Х. Махсудов кўчаси, 1-уйда фаолият кўрсатаётган 93-сонли кўчма механизацияланган жамланмага қарашли:
1. «ЭО-432 1А» русумли экскаватор, давлат рақами 20-44 ЕД бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, автотранспорт, яхши юрадиган ҳолатда. Бошлангич нархи — 1771630 сўм.
2. «ГАЗ-24» русумли, маркази М-2401, давлат рақами 00-74 ТША бўлган, 1971 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт, яхши юрадиган ҳолатда. Бошлангич нархи — 252350 сўм.
3. Охтангон шаҳар марказий инфохонасига қарашли: «УАЗ-3962» русумли, давлат рақами 96-30 ТПМ бўлган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. Бошлангич нархи — 65000 сўм.
4. Ангрн шаҳар ҳокимиятига қарашли «ГАЗ-2401» русумли, давлат рақами 11 ТВ 143 бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. Бошлангич нархи — 263 000 сўм.
5. «Дамас» русумли, давлат рақами 02-04 ТШВ бўлган, 1997 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт. Бошлангич нархи — 536 000 сўм.
6. Охтангон шаҳри, «Саҳоват» уйига қарашли «М-2141» русумли, давлат рақами 06-30 ТПС бўлган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. Бошлангич нархи — 84 000 сўм.
7. «УАЗ-3303» русумли, давлат рақами 11 АС 142 бўлган, Пекент туман, Маданият бўлимига қарашли, 1989 йилда чиқарилган автотранспорт. Бошлангич нархи — 85 000 сўм.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51-уй, 3-қават 9 ва 10-хоналар. Тел.: 132-00-37. Факс: 133-49-31

БОШ МУҲАРРИР

Азим СУЮН

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

- Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислам ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ
Алимқул СУЛТОНОВ
Андрей ОРЛОВ
Бахтиёр ҲАМИДОВ
Валерий ЛАБАРШНИХ

МУАССИС:



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

- Сўбат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Аxbорот — 133-12-56
Котибхона — 133-21-43
Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:

- Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоида — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

70000, ТОШКЕНТ, МАТЬОУЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи

Ҳайдар НОСИРОВ
Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Рўйхатлиги ўтиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. «Ўзбекистон овози» материалларини қўзириб босиш фақат таҳририят руҳсати билан амалга оширилади.
Г — 092

Топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6
СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари раҳбарлари ДИҚҚАТИГА!

Пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича Самарқанд вилояти филиали, Самарқанд вилоят капитал қурилиш бошқармаси ҳамда Самарқанд вилоят академик лицейлар ва касб-хунар коллежлар қурилиши дирекцияси томонидан 2000 йилда давлат марказлашган капитал маблағлари ҳисобидан қайта таъмирландирилган КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ВА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР объектлари бўйича пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил қилади ва ўтказилади.

ТЕНДЕРЛАР ҚЎЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАРГА ЎТКАЗИЛАДИ

Table with 4 columns: №, Ишнинг номи ва манзили, Қуввати ўқув/ётоқ, Қуввати ўқув/ётоқ

Юқоридаги объектларнинг тендер ҳужжатларини пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича Самарқанд вилояти филиалидан олишингиз мумкин.
Манзил: Самарқанд шахри, Кўк-Сарой майдони — 3, (Самарқанд вилоят архитектура ва шаҳарсозлик бош бошқармаси биноси). Тел/факс: 31-13-51